



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
Буюк  
Давлат

2026 йил — МАҲАЛЛАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЖАМИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2026 йил 16 апрель, № 75 (9246)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН ВА БУТУНЖАҲОН ТАЭКВОНДО ФЕДЕРАЦИЯСИ ҲАМКОРЛИГИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ЧИҚМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпиони доирасида мамлакатимизда бўлиб турган Бутунжаҳон таэквондо федерацияси президенти Чо Чунг Вонни қабул қилди.



Таъкидлаш жоизки, сўнги йилларда юртимизда таэквондо билан мунтазам шуғулланувчилар сони деярли икки бараварга ошиб, 35 минг нафарга етди. Вакилларимиз Париждаги Олимпия ва Паралимпия ўйинларида ушбу спорт тури бўйича умумжамоа ҳисобида фахри учинчи ўринни қўлга киритишди.

Учрашув давомида Чо Чунг Вон Ўзбекистонда спортни жадал ривожлантириш, ёшлар орасида жисмоний тарбияни тарғиб этиш, замонавий инфратузилмани яратиш борасида амалга оширилаётган ислохотларни юқори баҳолади. Томонлар ҳамкорлигини янада кенгайтириш, жумладан, профессионал спортчилар ва ҳакамларни тайёрлаш, юқори технологиялар, сунъий интеллект, спорт тиббиёти борасида илғор тажрибаларни алмашиш ва нуфузли халқаро мусобақаларни Ўзбекистонда мунтазам ўтказиш масалаларини муҳокама қилдилар.

Учрашув якунида Ўзбекистон Президенти мамлакатимизда

таэквондони оммалаштиришга қўшган шахсий ҳиссаси, спорт орқали жаҳон халқларининг ўзаро дўстлик ва ҳамжихатлик алоқаларини кучайтириш борасидаги катта хизматлари учун Чо Чунг Вонни давлатимизнинг юксак мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирлади.

Чо Чунг Вон, ўз навбатида, Президент Шавкат Мирзиёевга спортни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Бутунжаҳон таэквондо федерацияси томонидан таъсис этилган олий мукофот — “Шон-шараф” орденини топширди.

Ушбу орден илк бор айнан давлатимиз раҳбарига тақдим этилгани, бу юртимизда спортни, хусусан, таэквондони ривожлантириш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг халқаро миқёсда эътироф этилганидан далолат бериши таъкидланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСINI ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 15 апрель куни Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг биринчи ўринбосари Сергей Кириенко бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Учрашув аввалида юқори мартабали меҳмон давлатимиз раҳбарига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг саломлари ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини чуқурлаштириш доирасида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари кўриб чиқилди.

Барча йўналишларда фаол мулоқотлар олиб борилаётгани мамнуният билан қайд этилди. Товар айирбошлаш ҳажми барқарор ўсиб бормоқда, саноат кооперацияси бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилиб, маданий-гуманитар алмашинув кенгаймоқда.

Мамлакатимизда биринчи интеграцияланган атом электр станциясини қуриш лойиҳасини амалга оширишга, шунингдек, тинч атом соҳасидаги ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

Рақамли технологиялар, ёшлар ва ахборот сиёсати, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқароларнинг ташаббусларини ривожлантириш борасидаги ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш юзасидан келишувларга эришилди.

## ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ЖАВОҲИР СИНДОРОВНИ ТАРИХИЙ ҒАЛАБА БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Халқаро шахмат федерациясининг Номзодлар турнири ғолиби Жавоҳир Синдоров билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари ёш гроссмейстеримизни Ўзбекистон шахмат тарихида биринчи марта мажор нуфузли мусобақада зафар қозониб, том маънодаги тарихий ғалабага эришгани билан самимий табриклади. Сўхбатда Жавоҳир Синдоров ушбу турнирда илгари ҳеч ким ета олмаган юксак маррани забт этгани, 13 та ўйинда 6 мартаба ғалаба қозонгани спорт оламида камдан-кам учрайдиган ноёб ҳодиса экани алоҳида таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ёш гроссмейстер дунёнинг энг донгдор шахматчиларига қарши ҳар бир бахсда катта жасорат ва маҳорат билан донга суриб, кучли ирода, юксак интеллектуал салоҳият ва қатъий фазилатларини намойён этганини қайд этди.

Президентимиз энди Жавоҳир Синдоров олдида жаҳон тожи учун ҳал қилувчи ва шарафли беллашув турганини қайд этиб, бўлажак ўйинларда унга янада улкан омад, куч-гайрат ва янги зафарлар тилади.

Сўхбатда жорий йил Самарқанд шаҳрида ўтадиган 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиада-сида Жавоҳир Синдоровнинг иштироки, шубҳасиз, жамоамизга катта руҳ ва ишонч бағишлаши қайд этилди.

Фурсатдан фойдаланиб, давлатимиз раҳбари Жавоҳир Синдоровнинг ота-онаси, яқинлари, устоз ва мураббийларини ҳам ушбу тарихий ғалаба билан чин юракдан табриклади.

Жавоҳир Синдоров юксак эътибор, самимий қутлов ва билдирилган ишонч учун Президентимизга чуқур миннатдорлик билдирди.

Ў.А.

## Кўп йиллик самарали Меҳнат эътирофи

Кўксарой қароргоҳида Президент Шавкат Мирзиёев иштирокида миллий эстрада санъатининг ёрқин намояндаси, Ўзбекистон халқ артисти Фаррух Зокировнинг 80 йиллик таваллуд айёми муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди.

Унда давлат ва жамоат арбоблари, маданият ва санъат намоёндалари, ижодкор зиёлилар, “Ялла” ансамбли аъзолари ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари сўзга чиқиб, Фаррух Зокировни ушбу қутлуғ сана билан самимий қутлади, унга сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик ва янги-янги ижодий ютуқлар тилади.

Таъкидланганидек, Зокировлар сулоласи кўп йиллардан буён миллий musiқа ва қўшиқчилик санъатимизнинг ривожига беқиёс ҳисса қўшиб келмоқда. Ўзбекистон халқ артисти Карим Зокиров асос солган санъат мактаби, миллий эстрадаси асосчиларидан бири Ботир Зокировнинг бой ижодий мероси халқимизнинг улкан маънавий бойлиги сифатида юксак қадрланади.

Бутун бир оила ва авлоднинг ўз умрини санъат ва маданият равнақиға бағишлаши дунёда кам учрайдиган ноёб ҳодиса экани алоҳида қайд этилди. Фаррух Зокиров ана шу улуг аъёнларни муносиб давом эътириб, миллий эстрада санъатини янги босқичга олиб чиққан санъаткор сифатида эътироф қилинди.

Тадбирда Фаррух Зокиров нафақат халқимиз, балки бутун Марказий Осиё, Ҳамдўстлик мамлакатлари ва туркий элларнинг сеvimли санъаткори экани таъкидланди. Унинг Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти деган фахрий унвонлар билан бир қаторда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон,

Татаристон, Бошқирдистон ва Ингушетия халқ артисти деган юксак унвонларга сазовор бўлгани санъаткорнинг ижодига берилган катта баҳо сифатида қайд этилди. Бугун Фаррух Зокиров деганда “Ялла” ансамбли, “Ялла” деганда эса Фаррух Зокиров сиймоси кўз олдимизда гавдаланади. Мана 55 йилдирки, ушбу машхур жамоа нафақат мамлакатимизда, балки дунёнинг нуфузли сахналарида ҳам гўзал қўшиқлар куйлаб, миллионлаб мухлислар меҳрини қозониб келмоқда. “Ялла” ансамбли жамоавий эстрада ижрочилигини йўлга қўйиб, юртимиз санъати ва маданияти тарихида бутунлай янги саҳифа очди. Бугун халқимизнинг байрамлари, муҳим тадбирлари ва қутлуғ айёмларини ушбу ансамбль ижросидаги қўшиқларсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Тадбирда “Ялла” ансамбли аъзолари Жавлон Тўхтаев, Аббос Алиев, Темура Халиков ва Игорь Халиковнинг ҳам кўп йиллик самарали фаолияти эътироф этилди. Қайд этилганидек, “Ялла” ансамбли ижросидаги 400 дан ортиқ қўшиқлардаги миллий руҳ ва оҳанг чинакам халқ санъати намунасига, миллий маданиятимизнинг “олтин фонди”га айланган. “Яллама ёрим”, “Йўл бўлсин”, “Ҳандалак”, “Мажнунтол”, “Келибди” сингари қўшиқлар, “Чойхона”, “Сумалак” каби асарлар миллий қадриятларимизни тараннум этса, “Тошкентим онам”, “Учқудуқ”, “Шахрисабз” каби қўшиқлар юртимизнинг бетакорор гўшаларини дунёга кенг танитди.

(Давоми 2-бетда).



## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЗОКИРОВ ФАРРУХ КАРИМОВИЧНИ «БҮЮК ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзининг ноёб истеъдоди, самарали ижодий фаолияти билан замонавий ўзбек қўшиқчилик санъатини ривожлантириш, хусусан, миллий эстрада ижрочилигини янги босқичга олиб чиқишга қўшган беқиёс ҳиссаси, маданиятимиз шухратини дунё халқлари ўртасида кенг тарғиб этиш, бой маънавий меросимизни асраб-авайлаш борасидаги улкан хизматлари, шунингдек, “Ялла” ансамблига асос солиб, уни халқаро миқёсда тан олинган нуфузли ижодий жамоага айлантиргани, ёш иқтидор эгаларининг қобилиятларини рўёбга чиқариш, навқи-

рон авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги ибратли ишлари ҳамда таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан “Ялла” ансамбли бадий раҳбари Зокиров Фаррух Каримович «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотлансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,  
2026 йил 15 апрель

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ ФАРРУХ ЗОКИРОВ ИЖОДИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ҲАМДА ЁШ АВЛОДГА МУНОСИБ ЕТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бутун умрини санъатга бахшида этиб келаётган, ўзбек миллий эстрадасини дунёга тараннум қилиб, юртимизнинг маданияти ва санъати нуфузини юксалтиришга беқиёс ҳисса қўшаётган, серқирра фаолияти халқлар ўртасида маънавий кўприк бўлиб хизмат қилаётган устоз санъаткор — Ўзбекистон Республикаси халқ артисти Фаррух Зокиров ижодини кенг тарғиб қилиш ва ёш авлодга муносиб етказиш мақсадида қарор қиламан:

1. Тошкент шаҳри Яшнобод туманидаги 7-сонли болалар musiқа ва санъат

мактабига (кейинги ўринларда — Мактаб) Фаррух Зокиров номи берилсин.

2. Фаррух Зокиров номидаги 7-сонли болалар musiқа ва санъат мактаби ўқув-тарбия жараёнини мувофиқлаштириб бориш ва ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш бўйича бадий-педагогик кенгаш ташкил этилсин ҳамда унинг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Қуйидагилар:

а) Мактабда:

(i) “Ялла” номидаги болалар ансамбли фаолияти ташкил этилсин;

(Давоми 2-бетда).



## Халқаро анжуман

### ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛЛАРИ ПАРЛАМЕНТЛАРАРО ИТТИФОҚНИНГ 152-АССАМБЛЕЯСИДА ИШТИРОК ЭТМОҚДА

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева бошчилигидаги Ўзбекистон парламент делегацияси айни кунларда Истанбул шаҳрида ўтаётган Парламентлараро Иттифоқнинг 152-ассамблеясида фаол иштирок этмоқда.

Мазкур нуфузли анжуман бу гал “Келажақ авлодлар манфаатлари йўлида ишончли мустаҳкамлаш, барқарор тинчликни таъминлаш ва адолатли қарор топтириш” мавзуга бағишланган бўлиб, унда глобал аҳами-

ятга эга масалалар муҳокама қилинади.

Таширф доирасида делегация аъзолари бир қатор муҳим мулоқот ва форумларда қатнашиши режалаштирилган. Парламент аёл аъзолари форуми, Қўшил-

маслик ҳаракати парламент тармоғининг 5-конференцияси ҳамда Ёш парламент аъзолари форуми шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Ўзбекистон делегациясининг парламентлараро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган икки томонлама учрашувлари бўлиб ўтади.

Олий Мажлис Сенати  
Ахборот хизмати.

## Қонунчилик палатаси Кенгашида

### ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Кенгашининг навбатдаги йиғилишида қатор муҳим масалалар кўриб чиқилди.

Дастлаб Қонунчилик палатаси томонидан жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилиниб, келгуси давр учун устувор вазиғалар белгилаб олинди.

Таъкидланганидек, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини ўтган даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси,

“Ўзбекистон — 2030” стратегияси ҳамда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” давлат дастури асосида изчил ташкил этди.

Президент Мурожаатномаси куйи палата фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди. Ҳаётий талаб ва эҳтиёжлардан келиб чиқиб, халқимизнинг турмуш тарзини яхшилаш, Ватанимиз тарққиётини таъминлашга хизмат қилувчи

муҳим қонунлари қабул қилиш бугун депутатлик корпусининг энг устувор вазиғасига айланган.

Айнан ушбу вазифадан келиб чиқиб, ўтган даврда Қонунчилик палатаси жами 28 та қонунни қабул қилди. Бу ҳужжатлар аҳоли фаровонлигини ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, халқимиз саломатлигини мустаҳкамлаш, коррупцияга қарши курашиш, иқтисодийётни ривожлантириш ва барча тармоқларни рақамлаштириш каби муҳим мақсадларни қамраб олган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ ФАРРУХ ЗОКИРОВ ИЖОДИНИ КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИШ ҲАМДА ЁШ АВЛОДГА МУНОСИБ ЕТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

(ii) Ёшлар ижодий лабораторияси ҳамда "Устоз — шоғирд" аъёнаналяри асосида эстрада йўналиши бўйича ижрочилик маҳорат мактаблари ташкил этилсин; (iii) Мактаб бадий-педагогик кенгаши қарори билан ташкил этилган маҳорат мактабларининг устоз ижодкорлари Давлат буювчи маблағлари ҳисобидан ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 5 баравари миқдориди рағбатлантириб борилсин; б) Ёшлар ижодий лабораторияси доирасида: (i) 2026/2027 ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 3 нафардан болалар мусиқа ва санъат мактабларининг иқтидорли ўқувчиларидан иборат гуруҳ шакллантирилиб борилсин ҳамда таътил даврида ёзги тўғаракка жалб этилиб, эстрада хонандлиги бўйича махсус бепул курсларда ўқитилсин; (ii) 2026/2027 ўқув йилига қадар замонавий овоз ёзиш ва тасвирга олиш студияси ташкил этилсин ҳамда у саҳна жиҳоз ва либослари билан таъминлансин; (iii) Мактаб ва ёзги тўғаракка жалб қилинган ўқувчиларнинг ижод намуналари телевидение ҳамда халқаро он-лайн платформаларда намойиш этиб борилсин; в) Ёшлар ижодий лабораториясини

ташкил этиш, уни жиҳозлаш ва худудлардан ўқувчиларни ёзги тўғаракка жалб этиш, шу жумладан, уларнинг яшаш, оқатланиш ва транспорт харажатлари тўлиқ Давлат бюджетидан қоплансин; г) ҳар йили Мактаб ва ёзги тўғаракнинг иқтидорли 5 нафар ўқувчилари ҳамда уларнинг ўқитувчи ва концертмейстерларининг нуфузли халқаро танловларда иштирок этиши билан боғлиқ харажатлар Давлат бюджетидан қоплансин. Бунда ушбу танловлар рўйхати Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади; д) 2026-2027 йилларда тажриба-синов тариқасида халқаро нуфузли танловларда голиб ва совриндор бўлган Мактаб ва ёзги тўғарак ўқувчилари (жамоалари) ҳамда уларни тайёрлаган ўқитувчи (концертмейстер) куйидаги миқдорда бир марталик пул мукофоти билан рағбатлантирилсин: (i) "Гран-при" ва 1-ўрин соҳиби 30 миллион сўм, ўқитувчи (концертмейстер) 20 миллион сўм миқдориди; (ii) 2-ўрин соҳиби 20 миллион сўм, ўқитувчи (концертмейстер) 10 миллион сўм миқдориди; (iii) 3-ўрин соҳиби 10 миллион сўм, ўқитувчи (концертмейстер) 5 миллион сўм миқдориди; ж) ушбу бандда назарда тутилган халқаро нуфузли танловларнинг голиб ва совриндорлари ҳамда уларнинг ўқитувчи (концертмейстер)лари рағбатлантириш тартиби Маданият вазир-

лиги томонидан тасдиқлансин, шунингдек, 2027 йил якунида мазкур амалиётни республика бўйича кенг жорий этиш юзасидан таклиф киритилсин; з) умумхалқ байрам дастурлари ва юқори даражадаги анжуманларнинг бадий қисмида Мактаб ва ёзги тўғаракнинг иқтидорли ўқувчилари ҳамда ижодий жамоаларининг иштирок этишига шарт-шароитлар яратилиб, қўллаб-қувватлансин; и) Мактабда аъло баҳолабга ўқитган ўқувчиларнинг 10 нафарини Мактаб бадий-педагогик кенгаши қарори билан Маданият вазирлиги тизимидаги ихтисослаштирилган санъат ва маданият мактаби ҳамда мактаб-интернатларига имтиҳонларсиз қўшимча квота асосида қабул қилиш тартиби жорий этилсин. 4. Маданият вазирлиги: а) Мактабда "Устоз — шоғирд" ижрочилик маҳорат мактабларини ташкил этишда миллий эстрадамининг ёрқин намоёндаларини жалб этсин ҳамда уларнинг самарали фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароитларни яратсин; б) Мактабни зарур мусиқа чолғу асбоблари, замонавий жиҳоз ва техникалар, шунингдек, мусиқа дарсликлари

ри ва ноталар тўпламлари билан таъминлансин; в) Фаррух Зокиров ижро дастури тўлиқ ноталаштирилиши ва уларнинг тўпламлари чоп этилиши ҳамда республика миқёсида таълим жараёнига кенг татбиқ этилишини таъминлансин; г) Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда Мактаб биносини капитал таъмирлаш ва худудини ободонлаштириш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқсин ҳамда 2026 йил якунига қадар қурилиш-таъмирлаш ишларини якунига етказсин. 5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қарорда белгиланган чора-тадбирларни молиялаштириш учун Маданият вазирлигига 2026 йилда Вазирлар Маҳкамасининг захира жамғармасидан 10 миллиард сўм ажратсин, 2027 йилдан бошлаб зарур маблағларни Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин. 6. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масул ва шахсан жавобгар этиб маданият вазири О.А.Назарбеков белгилансин. 7. Қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2026 йил 15 апрель

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кўп йиллик САМАРАЛИ МЕҲНАТ ЭЪТИРОФИ

Давлатимиз раҳбари Фаррух Зокировнинг юртимиз ижтимоий-маданий ҳаётидаги фаол иштирокига ҳам алоҳида тўхталиб, унинг юзлаб ёшларга устозлик қилиб, уларни катта саҳнага олиб чиқаётгани, "Овоз" каби йирик лойиҳалар орқали янги истеъодларга санъат сирлари ва саҳна маданиятини ўргатаётгани барча учун ҳақиқий ибрат эканини таъкидлади. Минтақа ижодкорлари билан йўлга қўйилган ҳамкорлик халқаро ўртасида маънавий кўприк вазифасини ўтаётгани қайд этилди. Шунингдек, давлатимиз Фаррух Зокиров каби санъат даргаларининг халқаро ижодий лойиҳалари ва янги асарларини ҳаммиша қўллаб-қувватлаши таъкидланди. Тантанада Фаррух Зокировнинг кўп йиллик самарали меҳнати, миллий маданиятимиз ва санъатимизни ривожлантириш йўлидаги фидокорона хизматларини муносиб тақдирлаш мақсадида Президент томонидан алоҳида фармон ва қарор имзоланган эълон қилинди. Хусусан, Яшнобод туманидаги 7-болалар мусиқа ва санъат мактабига Фаррух Зокиров номи берилди. Ушбу мактабда "Яюла" номидида

болалар ансамбли, ёшлар ижодий лабораторияси, замонавий овоз ва видео ёзиш студияси ташкил этилади. "Устоз — шоғирд" аъёнаналяри асосида эстрада йўналиши бўйича ижрочилик маҳорати синфлари йўлга қўйилади, устоз ижодкорларнинг оилага қўшимча устама тўланади. Мактабда аъло баҳолабга ўқитган ўқувчилар учун ихтисослаштирилган санъат ва маданият таълим муассасаларига қабул бўйича алоҳида имкониятлар яратилади. Хар йили республика худудларидан иқтидорли ўқувчилар мазкур мактабда ўз маҳоратини ошириб боради. Бюджет ҳисобидан иқтидорли ўқувчилар устозлари билан бирга нуфузли халқаро кўрик-танловларга юборилади ва муносиб рағбатлантирилади. Таъбирда ушбу таълим даргоҳи юртимиздаги энг намунавий мактаблардан бирига айлиниб, Зокиров сулоласи яратган бебаҳо ижодий меросни келажак авлодга етказишга хизмат қилишига ишонч билдирилди. Тантанали маросимда Президентимиз миллий санъатимиз ва маданиятимизни ривожлантириш йўлидаги кўп йиллик беқўёс хизматлари учун Фаррух Зокировга "Буюк хизматлари учун" орденини топширди.

Ў.А.

Учрашув АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШГА КЕЛИШИБ ОЛИНДИ Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев Норвегия Қироллигининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Хелен Санд Андресен билан учрашди.



Унда Ўзбекистон ва Норвегия ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг бугунги ҳолати ва уларни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди. Сўхбат чоғида парламентларо алоқаларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқиш, қонун ижодкорлиги соҳасида тажриба алмашиш ва тегишли кўмиталар ўртасида мулоқотни йўлга қўйиш юзасидан фикр алмашилди. Шунингдек, сиёсий мулоқотни фаоллаштириш, савдо, иқтисодиёт, инвестициялар, "яшин" иқтисодиёт, рақамли технологиялар, таълим ва инновациялар соҳаларида ҳамкорлики кенгайтириш масалаларига эътибор қаратилди. Учрашувда ўзаро манфаатли алоқаларни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлашга келишиб олинди.


«Халқ сўзи».

Онлайн мулоқот ЎЗАРО ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН ШЕРИКЛИК Ўзбекистон ва Ўмон парламентларо ҳамкорлик гуруҳлари аъзоларининг онлайн учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки мамлакат ўртасидаги парламентларо мулоқотни янада фаоллаштириш, шунингдек, савдо-иқтисодий, инвестиция, транспорт, туризм ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлики кенгайтириш масалалари муҳокама марказида бўлди.

Қайд этилганидек, сўнгги йилларда Ўзбекистон ва Ўмон ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланиб, ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган шериклик муносабатлари мустаҳкамланмоқда. Бу эса янги қўшма ташаббусларни илғари суриш ва амалий ҳамкорлики янада чуқурлаштириш учун мустаҳкам замин яратмоқда. Учрашувда парламентларо алоқаларни институционал жиҳатдан ривожлантириш, жумладан, ҳамкорлик гуруҳлари фаолиятини янада фаоллаштириш, кўмита вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқотларни йўлга қўйиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, олий даражада эришилган келишувларнинг ижроси устидан самарали парламент назоратини таъминлаш муҳимлиги таъкидланди. Якунда парламентларо ҳамкорлики янада ривожлантиришни давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

«Халқ сўзи».

ИСЛОҲОТЛАР НАТИЖАДОРЛИГИГА ЙўНАЛТИРИЛГАН ҲУҚУҚИЙ НОРМАЛАР



Бугун депутатлар барча қонун лойиҳаларини одамларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини мустаҳкам ҳимоялаш позициясидан туриб қизғин муҳокама этмоқда. Бунга жисмоний тарбия ва спорт, пиротехника буюмлари муомаласи, суд ҳокимиятини молиялаштиришга доир ҳуқуқий ҳужжатларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Депутатлар ҳам қонунчиликда ташаббуслор сифатида фаол бўлимоқда. Улар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида киритилган — банд солинган ёки гаровга қўйилган мулк эгаларини ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, ижтимоий тармоқларда оммавий тарзда фуқароларнинг шаъни ва қадриятларини камситишнинг олдини олиш, халқ депутатлари Кенгаши фаолияти самарадорлигини янада оширишни назарда тутиш қаратилган қонунлар қабул қилинди.

Хусусан, халқ депутатлари Кенгаши фаолияти самарадорлигини янада оширишни назарда тутиш қонун билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши раиси ўринбосари институтини жорий этиш, унга бир вақтнинг ўзида Кенгаш қотибяти мудири вазифасини бажариш ҳамда Кенгаш қотибяти ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш ваколатларини бериш назарда тутилди. Қонунчилик палатаси фаолияти босқичма-босқич изчил рақамлаштирилмоқда. Қонун ижодкорлиги жараёни "project.gov.uz" ва "e-qonun.uz" платформалари орқали самарали амалга ошириляётир. Бу орқали қонун лойиҳаларининг қуйи палатага киритилишидан тортиб ҳамма босқичдаги муҳокамалар ҳамда Сенатта юборилганига қадар бўлган барча жараён ушбу тизим орқали амалга оширилиши таъминланди.

Бугунги кунда Қонунчилик палатасининг барча мажлислири палатанинг расмий веб-сайти орқали жонли эфирга узатиляпти. Қўллаб қабул қилинаётган қонунлар ҳалқчил ва таъсирчан услубда ОАВда мунтазам ёритиб борилмоқда. Креатив медиа-лоийиҳалар сони ортаётди. Депутатлар ижтимоий тармоқларда фаол бўлимоқда. Бу эса кенг жамоатчилик вакилларининг палатада қонун лойиҳаларини муҳокама этиш ва қабул қилиш жараёнига бўлган қизиқишини янада оширяпти. Кенгаш йиғилишида парламент назорати йўналишида олиб борилган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. "Ҳуқумат соати", парламент эшитувлари ва депутат сўровлари орқали давлат органлари фаолияти устидан таъсирчан парламент назорати амал-

да оширилди. Давлат бюджети ижроси устидан назоратни кучайтиришга ҳам устувор аҳамият берилди. Вазирлик ва идораларнинг мақсади индикаторларнинг бажарилиши юзасидан ҳисоботлари қуйи палата кўмиталари мажлисларида эшитилди. Давлат органларининг мансабдор шахсларига жами 23 та депутат сўрови юборилди. Депутатлар сайлов округларида самарали мулоқотлар ўтказмоқда. Аҳоли муаммолари жойида ўрганилиб, маҳаллий ижро ҳокимияти вакиллари билан биргаликда ҳал этиляётир. 2026 йилдан бу борада жуда муҳим янгилик жорий этилди ва халқимиз томонидан бу воқеа жуда катта манунят билан қабул қилинди. Гап давлатимиз раҳбарининг "Ташаббусли бюджет жараёниларини тақомиллаштириш доирасида халқ вакиллари ва сайловчилар ўртасида ҳамкорлики кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳақида бормоқда. Энг аввало, Президентимизнинг ушбу қарори депутат ва сайловчи ўртасидаги ишонч ҳамда мулоқотни мустаҳкамлади. Депутатлар жорий йилнинг 23 — 28 март кунлари илк бор ўз худудларида "Ташаббусли бюджет" жараёнида голиб бўлмаган лойиҳалар билан танишди. Биринчи мавсумда голиб бўлмаган ҳар бир лойиҳа чуқур ўрганилди, унинг зарурати баҳоланди. Умумий миқдор 238,9 млрд. сўм бўлган 150 та лойиҳа депутатлар ташаббусига кўра голиб, деб топилди. Бу аҳоли учун қўшимча йўл, инфратузилма, таълим масканлари, шифохоналар қурилиши ва таъмирланишига асос бўлмоқда. Қонунчилик палатасининг халқаро алоқалари ҳам кенгайиб бормоқда. Хорижий парламентлар делегациялари, нуфузли ташкилотлар вакиллари ҳамда энгиллар билан учрашувлар ўтказилди. Депутатлар халқаро парламент ташкилотлари тадбирларида фаол қатнашди. Кенгаш аъзолари янги технологиялар шиддат билан ривожланаётган ҳозирги тезкор давр миллий парламентимизнинг қонун ижодкорлиги, назорат ва бошқа йўналишларига сунъий интелектни кенг жорий этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо қилаётганини қайд этди. Бугунги кунда қонунчилик жараёниларининг тезкор ва сифатли бўлиши, парламент назоратининг самарадорлигини таъминлаш ҳамда фуқаролар муносабатларини таҳлил қилишнинг илгор усуллари жорий этишда Қонунчилик палатаси фаолиятига сунъий интелект технологияларини кенг қўллаш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди. Шундан келиб чиқиб, йиғилишда Қонунчилик палатаси Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолиятига сунъий ин-

телект технологияларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори лойиҳаси ҳам атрофида кўриб чиқилди. Қонунчилик палатаси фаолиятига замонавий рақамли технологияларни изчил татбиқ қилиш орқали унинг иш самарадорлигини янада оширишга эришилиши ургуланди. Кенгашда мустақиллигимизнинг 35 йиллигини муносиб кутиб олиш масаласига алоҳида ургу берилди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 1 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик қилиш ва ушбу ўтказиш тўғрисида"ги қарори халқимиз томонидан жуда катта кўтаринкилик билан кутиб олинди. Ушбу ҳужжат мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш ва унинг ижросини таъминлаш доирасида албатта, депутатлар корпуси фаол бўлади. Кенгашда бу йўналишдаги вазифалар аниқ белгилаб олинди. Сиёсий партиялар фракциялари ва кўмиталар жойларда тарғибот ишларини ташкил этади. Унда мустақиллик йилларида, айниқса, кейинги ўн йилда эришиляётган натижалар, амалга ошириляётган тарихий ислохотлар, янги тахрирдаги Конституция ҳамда "Ўзбекистон — 2030" стратегиясининг мазмун-моҳияти аҳолига етказилди. Президент қарори ижроси доирасида Қонунчилик палатаси кўмиталари илмий-амалий конференциялар, давра сўхбатлари, амалий учрашув ва мулоқотлар ўтказди. "Мустақил Ўзбекистон — 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар" халқаро илмий-амалий конференцияси ҳамда "Янги Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашда миллий парламентаризмининг роли" мавзюда ёшлар конференциясини юқори савияда ўтказиш учун ҳозирданқ тайёргарлик бошланди. Кенгашда Президентимизнинг "Буюк давлат арбоби ва саркарда, илм-фан, маданият ва санъат хомийиси Соҳибқирон Амир Темуруттаваллудининг 690 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори халқимиз ва Ватанимиз ҳаётида жуда катта маънавий воқеа бўлгани эътироф этилди. Қонунчилик палатаси мазкур қарор ижроси доирасида ҳам аниқ вазифаларни белгилаб олди. Жумладан, илмий-амалий конференциялар, маънавий-маърифий таҳлил қилишнинг илгор усуллари жорий этишда Қонунчилик палатаси фаолиятига сунъий интелект технологияларини кенг қўллаш муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Шундан келиб чиқиб, йиғилишда Қонунчилик палатаси Кенгашининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг фаолиятига сунъий ин-

«Халқ сўзи».

Сенаторлар — худудларда НАРПАЙ НАМУНАСИГА ЮҚОРИ БАҲО БЕРИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари кўмитаси раиси Баҳром Абдуллаев Самарқанд вилоятига хизмат сафари доирасида Нарпай туманида амалга ошириляётган ислохотлар билан танишди.

Дастлаб сенатор халқ депутатлари Нарпай тумани Кенгаши қотибятида бўлиб, депутатларнинг худудларда олиб бораётган ишлари, аҳоли билан мулоқотлари ҳамда эришиляётган натижалар юзасидан атрофилича фикр алмашди. Худудда қурилган ижодий ўзгаришлар эътироф этилди. Хусусан, маҳаллардаги муаммоларни аниқлаш ва уларни тизимли бар-

араф қилишга қаратилган Нарпай намунасига юқори баҳо берилиб, ушбу илгор тажрибани республиканинг бошқа худудлари ҳам кенг жорий этиш муҳимлиги таъкидланди. Ижтимоий соҳа, хусусан, таълим тизимидаги ислохотлар билан танишиш мақсадида тумандаги 69-умумтаълим мактаби ҳамда 2-техникум фаолияти ўрганилди. Таълим жараёнининг

сифати, педагог кадрлар салоҳияти, ўқувчиларнинг билим даражаси ҳамда мавжуд муаммолар таҳлил қилинди. Учрашувлар давомида юртимизда амалга ошириляётган кенг қўламли ислохотлар, имзоланаётган қонунлар, Президент фармон ва қарорлари ҳамда Сенат томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Хусусан, Сенатнинг 14-ялпи мажлисида маъқуланган муҳим қонунлар ҳақида ҳам маълумот берилди. Шу билан бирга, Қўшрабат туманидаги "Қийқим" МФЙда

яшовчи фуқаро Х. Хотамовнинг Сенатга йўллаган мурожаати вилоят ташкилотлари масъуллари иштирокида жойига чиққан ҳолда ўрганилди. Мазкур масала юзасидан ишчи гуруҳ тузилди ҳамда вилоят ҳокимлиги, кадастр, прокуратура, адлия органлари ва халқ депутатлари вилоят Кенгаши вакиллари иштирокида муҳокама қилинди. Унинг якунидаги қўра, ишчи гуруҳга 17 апрелга қадар ўрганишларни тугаллаб, асосланган тақдим этиш юзасидан аниқ тавсиялар берилди.

ЎРГАНИШЛАР БАРЧА ҚАТЛАМЛАРНИ ҚАМРАБ ОЛМОҚДА

Олий Мажлис Сенати аъзолари қонунчилик фаолияти билан бирга мунтазам равишда худудларда ҳам бўлиб, назорат-таҳлил ишларига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мазкур жараёнда барча йўналишларда ҳар томонлама ўрганишлар олиб борилди ва жойларда сайёр қабуллар ўтказилиб, аҳолини қийнаётган муаммоларга жойида ечим топишга ҳаракат қилинади.

Хусусан, Сенатнинг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси Оригул Қозихонова Фарғона шаҳрида сайёр қабул ўтказди ҳамда маҳалларда амалга ошириляётган ишлар билан яқиндан танишди. Сайёр қабул давомида сенаторга шахсий масалалар юзасидан мурожаат қилган фуқароларнинг муаммолари кўриб чиқилди. Унда тегишли вилоят бошқарма ва идоралари вакиллари, шунингдек, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари масъуллари иштирок этди. Мурожаатлар, асосан, соғлиқни тиклаш, имтиёзли кредит олиш, хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини қўллаб-қувватлаш, олий таълим ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларига оид бўлиб, қабул жараёнида уларнинг аксариятига ечим топилди.

Шунингдек, сенатор вилоят ва шаҳар Кенгашилари депутатлари билан бирга Фарғона шаҳридаги "Машъал" маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб, "маҳалла еттичилиги" фаолиятини ўрганди. Бунда маҳалла фаолияти самарадорлигини ошириш, жияноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, "маҳалла еттичилиги" аъзолари ўртасидаги ҳамкорликини кучайтириш, уюшмаган ёшлар ва тарбияси оғир ўқувчилар билан ишлаш, ишсиз ёшларни касб-хунарга ўқитиш ҳамда тадбиркорликка жалб қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Шунингдек, маҳалла фаолларига 7-8 апрель кунлари бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг 14-ялпи мажлисида кўриб чиқилган масалаларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида тушунтириш берилди.

Халқ билан очик мулоқот қилиш, фуқаролар мурожаатларини тизимли ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадида Сенатнинг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари кўмитаси аъзоси Жамила Бобоназарова Жизнас вилоятининг қатор худудларида учрашувлар уюштирди. Ушбу тадбирлар доирасида фуқаролар билан бевосита мулоқот ўтказилиб, уларни қийнаб келаятган муаммолар атрофилича ўрганилди. Қабул давомида фуқаролар соғлиқни сақлаш, ижтимоий ҳимоя, аҳоли бандлигини таъминлаш, уй-жой масалалари, моддий ёрдам ажратиш, ичимлик суви таъминоти ва йўл инфратузилмасини яхшилаш каби долзарб масалалар юзасидан мурожаат қилди. Уларнинг бир қисми жойида ҳал этилди, тегишли ташкилот ва идоралар масъулларига тавсиялар берилди. Қўшимча ўрганиш талаб этиладиган масалалар эса сенатор томонидан назоратга олиниб, уларнинг ижросини таъминлаш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

«Халқ сўзи».

# ИСТЕЪДОДЛИ ЁШЛАРИМИЗНИНГ ЁРҚИН ТИМСОЛИ

Бугунги кунда ҳар бир юртошимизнинг эришаётган галабаси, ютуғи, айниқса, халқаро миқёсда қўлга киритаётган муваффақияти мамлакатимиз салоҳияти ва тараққиёт йўлининг ёрқин ифодаси сифатида намоён бўлмоқда.

## Фахр

Ана шундай унвотилмас воқеалардан бири — Жавоҳир Синдоровнинг ФИДЕ Давъогарлар турнирида қўлга киритган тарихий галабаси бўлди.

Асосийи, бу нафақат бир спортчининг шахсий ютуғи, балки бутун халқимизнинг орзу-интилишлари, ёшларимиз салоҳияти ва Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг амалий ифодаси сифатида муҳим аҳамиятга эга.

Барчамизга яхши аёнки, Давъогарлар турнири жаҳон шахмат оламида энг нуфузли мусобақалардан бири. Унда дунёнинг кучли, тажрибали ва юқори интеллектуал



салоҳиятга эга шахматчилари жам бўлади. Ана шундай кескин рақобат муҳитида Жавоҳир Синдоров муносиб иштирок этиб, юксак маҳоратини намоён қилди ва яқунда тарихий натижага эришди.

Буюк алломалар юрти бўлган Ўзбекистон бугун ҳам замонавийнинг интеллектуал етакчиларини етиштирмоқда. Илм-фан, инновация, маданият ва спорт соҳаларида юртимиз ёшлари дунё билан тенглама-тенг рақобатлаша олишини амалда намоён қилмоқда. Жавоҳир Синдоров ана шу

янги авлоднинг ёрқин ва муносиб вакилларидан бири. Унинг галабаси ҳар бир ёш учун руҳий даъват, катта мақсадлар сари интилиш учун кучли мотивация бўлади. Бу ютуқ шундан далолат берадики, қатъият, изчил меҳнат ва аниқ мақсад орқали ҳар қандай чўққини забт этиш мумкин.

Айни чоғда бу натижа мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатининг амалий натижаси, десак, айни ҳақиқат. Сўнги йилларда спорт, айниқса, шахмат соҳасини ривожлантириш, иқтидорли ёшларни кашф қилиш ва тарбиялаш бўйича кўламли ислохотлар амалга оширилди. Замонавий шахмат мактаблари, халқаро мусобақаларда иштирок этиш имкониятлари ва таълим тизимидаги янгиланишлар ана шундай буюк ютуқлар учун мустаҳкам пойдевор яратмоқда.

Албатта, олдинда янада масъулиятли си-

нов — жаҳон тожи учун кураш турибди. Бу нафақат икки шахматчи ўртасидаги беллашу, балки интеллектуал спорт маданиятининг энг юксак намоиши, “ақллар беллашуви” бўлади. Ишонимизки, ёш ватандошимиз ўзининг теран тафаккури, мустаҳкам иродаси ва элу юртга бўлган муҳаббати билан бу синовда ҳам муносиб иштирок этади.

Умуман, Жавоҳир Синдоровнинг ушбу тарихий галабаси — Янги Ўзбекистон ёшларининг интеллектуал салоҳияти, халқимизнинг заковати ва мамлакатимизнинг халқаро майдонда тобора юксалиб бораётган нуфузининг ёрқин рамзи сифатида тарихга муҳрланажак.

**Орзуғул ҚОЗИХОНОВА,**  
**Олий Мажлис Сенатининг**  
**Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари кўмитаси раиси.**

# ҚОҒОЗ ЭМАС, РАҚАМЛАШГАН ТИЗИМ ИШЛАЙДИ

Куни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида пенсияга оид хизматларни кўрсатиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрафлига кўриб чиқилди. Моддама-модда муҳомадан сўнг ушбу ҳужжат қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## Депутат шарҳи


Айтиш жоизки, мазкур қонунда, энг аввало, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва ҳақоқатларини янада мустаҳкам қамроғлаш мақсади қилинган.

Илгари амалдаги тартибга қўра, фуқарога ногиронлик белгиланганидан сўнг мустақил равишда тегишли ҳужжатларни бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тақдим этиши зарур бўларди. Бу эса аҳоли, айниқса, ногиронлиги бор шахслардан ортиқча овозгарчилик, вақт ва куч талаб қиларди.

Эндиликда, қонунда мутлақо янги — фуқаролардан мурожаат кутиб ўтирмай проактив ёндашув жорий этилишига эътибор қаратилинди. Жумладан, фуқарога ногиронлик белгиланиши билан бир вақтда, унинг мурожаатини кутмаган ҳолатда, пенсия авто-

матик равишда тайинланиши амалиётга киритилмоқда. Бу — давлат хизматларини рақамлаштириш борасидаги ислохотларнинг самарали натижаси бўлиб, ҳужжат ишлари жараёнида инсон омилини камайтириш, ортиқча қоғозбозликка барҳам беришга хизмат қилади.

Ушбу қонунда назарда тутилган ўзгаришлар орқали жисмоний имконияти чекланган шахслар учун ижтимоий энгилликлар яратилади, энди улар турли идораларга боришдан халос бўлади, хизматлардан эса ҳеч қандай тўсиқларсиз тўғридан-тўғри фойдаланишлари мумкин. Бу эса “Давлат — инсон учун” деган тамойилнинг амалдаги ёрқин ифодасидир.



Шунингдек, қонунда яна бир муҳим янгилик назарда тутилган. Хусусан, I ва II гуруҳ ногиронлик пенсияси тайинланган шахслар кейинчалик иш фаолиятининг давом этириб, қанда бир йил иш стажига эга бўлган тақдирда, уларнинг пенсияси ҳар икки йилда автоматик тарзда қайта ҳисобланади. Бу ҳам фуқаронинг мурожаатсиз проактив усулда амалга оширилади. Мазкур норма, бир томондан, фуқароларни меҳнат қилишга рағбатлантиради, иккинчи томондан, уларнинг меҳнати муносиб баҳолашини таъминлайди.

Қонунда яна бир муҳим ижтимоий ҳимоя механизми белгиланган. Барчамизга маълумки, бугунги кунда айрим пенсия олувчиларнинг мажбурий ундирувга қаратилган қарзлари ёки бошқа қарзлари, шартномали келишувлари пенсиядан ундирилган қаратилган бўлса, у жами нафақанинг 50 фоизи даражасида ундирилади. Ҳозирги кунда шундай пенсия олувчилар 45 мингдан ортиқчи

ташкил қилмоқда. Жойларда олиб борилган ўрганишлар шуни кўрсатдики, бу ҳолат энг кам пенсия олувчиларнинг қўлига ташаддан пулларнинг аямас камайиб кетишига ва пенсия олувчиларнинг ҳатто энг зарур эҳтиёжлари учун ҳам маблағи етмай қолишига сабаб бўлмоқда.

Шу боис қонун билан ҳар ойлик чеғирмалар микдори пенсиянинг 50 фоизидан ошиши ва чеғирма қилинганда сўнг туланидиган пенсия микдори энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмаслиги белгиланган. Мазкур норма, ўз навбатида, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга, уларнинг минимал яшаш шартлоқларини таъминлашга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, халқ вакили сифатида ҳудудларда бўлганимизда ҳамда сайловчилар билан ўтказилган учрашувларда мазкур ҳужжатга нисбатан қатор амалий ва ҳаётий тақлидлар билдирилган. Фуқаролар томонидан пенсия тайинлаш жараёнини янада соддалаштириш, тўловларнинг шаффофлигини таъминлаш ва ижтимоий қа-

рағбатларни кучайтиришга қаратилган фикрлар илгари сурилган. Ана шундай фикр-мулоҳазалар қонунни такомиллаштиришга муҳим манба бўлиб хизмат қилмоқда ва унинг халқчиллик руҳини янада мустаҳкамламоқда.

Албатта, ҳар қандай ислохотнинг муваффақияти унинг инсон ҳаётига қанчалик ижобий таъсир кўрсатиши билан ўлчанади. Мазкур қонун эса, шубҳасиз, минглаб фуқаролар ҳаётини энгиллаштиради.

Ногиронлик пенсиясини проактив шаклда тайинлаш, пенсияларни автоматик қайта ҳисоблаш ва ижтимоий қаролатларни мустаҳкамлашга қаратилган ушбу қонун — халқ манфаатларига хизмат қилган, замон талабларига жавоб берадиган муҳим ҳужжат. Биз, депутатлар, бундан бунён ҳам халқимиз ҳаёт сифати яхшиланиши, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ишончли ҳимояси йўлида барча саъй-ҳаракатларни изчил давом эттирамиз.

**Назира МУХТОРОВА,**  
**Олий Мажлис Қонунчилик**  
**палатаси Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар кўмитаси раиси.**

# ЭНЕРГЕТИК БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚАРАТИЛГАН ИСЛОХОТЛАР

## «Ўзбекнефтгаз» АЖ тизимида сифат ўзгаришларига катта туртки бўлди

Энергетика хавфсизлигини мустаҳкамлаш, жумладан, табиий газга бўлган ички талабни барқарор қондириш, иқтисодий тармоқларни узулсиз таъминлаш мамлакатимиз энергетика сиёсатининг асосини ташкил этади. Шу боис иқтисодиёт ва аҳолининг табиий газга эҳтиёжи ортиб бораётган ҳозирги шартларда “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти фаолияти самарадорлигини оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Буни Президент жорий йилнинг ўтган

қисқа даврида тизим раҳбарияти билан олти марта учрашиб, соҳани ривожлантириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб бергани ҳам тасдиқлайди.

Мухбиримиз “Ўзбекнефтгаз” АЖ бошқаруви раисининг молия, трансформация ва хусусийлаштириш бўйича биринчи ўринбосари Сухроб Ҳамроев билан нефть-газ тармоғида қазиб чиқариш ҳажмини барқарорлаштириш ва янги захираларни ўзлаштириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда тизимдаги катта ўзгаришлар ҳақида суҳбатлашди.

## Бизнинг суҳбат

— Кейинги пайтда бевосита давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан нефть-газ sanoati ислохот қилиниб, “Ўзбекнефтгаз” АЖ ва унинг тизимида самарадорликни оширишга қаратилган тизимли янгиланишлар амалга оширилди. Айтинг-чи, бу саъй-ҳаракатлар соҳада қандай сифат ўзгаришларга сабаб бўляпти? Унинг дастлабки натижалари нималарда кўринмоқда?

Яқин йилларда Ўзбекистон газни экспортга чиқарувчи давлатдан уни импорт қилувчи мамлакатга айланиши ҳақидаги прогнозлар негочли ҳақиқатга яқин?

— Маълумки, Ўзбекистон улкан ер ости бойлиқларига эга мамлакат ҳисобланади. Хусусан, табиий газ захираси бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторидан жой олган. Лекин айни дамда бундан 20 — 30 йил аввал топилган газ қудуқларининг босими тобора камайиб бориши натижасида ишлаб чиқариш кўрсаткичлари пасаймоқда. Шу боисдан Президентимиз томонидан соҳада, энг аввало, геология-қидирув ва бурғиллаш ишларига катта эътибор қаратилди. Амалбадда замонавий технологиялар қўлланилаётгани бу борадаги имкониятларни тобора кенгайтирмоқда. Натижада бугунги кунда геология-қидирув ишлари геологик жиҳатдан мураккаб ҳисобланган янги ҳудудларда ҳамда янада чуқурроқ ётган истиқболли қатламларда олиб борилмоқда. Айтилик, илгари нефть-газ соҳасидаги қидирув ишлари фақат 2,5-3 минг метр чуқурликда олиб бориларди. Эндиликда бу бизга чегара эмас. Ўтган йили sanoatimiz тарихида биринчи марта Устюртда 6,5 минг метр ер қаърини бурғилаб, жуда катта газ захираси топилгани шундай дейишга асос бўлади.

Республикадаги кон ва майдонларнинг чуқур геологик тузилишини ўрганиш ҳамда излов бурғиллашга янги структураларни аниқлаш мақсадида жами 10 000 кв. км. ҳажмида “3D” сейсмик қидирув ишлари ўтказилиши белгиланди. Бу ўтган йилдагига нисбатан 4 баравар кўпдир.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, бу йил “Ўзбекнефтгаз” тарихидаги энг катта ҳамда бурғиллаш ишлари амалга оширилди. Яъни 103 та кудуқ, шу жумладан, 58 та излов-қидирув кудуғи, 45 та ишлашиш кудуғини бурғиллаш режа қилинган. Геология-қидирув ишларини жадаллаштириш, ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш мақсадида 20 та инвестиция блоку учун рўхсатномалар олинди. Ўз навбатида, геология-қидирув асбоб-ускуна паркни модернизациялаш ҳамда уларга замонавий ускуналарни жалб этиш мақсадида 12 та бурғиллаш дастгоҳи, 2 та “3D” сейсмик мажмуа ва 100 дан

ортиқ каротаж асбобларини харид қилиш юзасидан хорижий ҳамкорлар билан музокара олиб борилди.

Ўртимизда энергетик барқарорликни таъминлаш мақсадида шу тарихида табиий газ захиралари йил сайин кўпайтириб борилаверади. Жумладан, 2026 йилда “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан табиий газ захираларини ўстириш ҳажми 25 млрд. м<sup>3</sup> қилиб белгиланган.

Жорий йилнинг биринчи чорагида янги қудуқларни ишта тузириш, мавжудларини таъмирлаш ва технологик тадбирларни амалга ошириш ҳисобига қўшимча ҳажмлар таъминланди. Бу борадаги ишлар кўламини йил давомида янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

— Геология-қидирув ишлари ҳақида гап кетганда, одамлар кўз олдида, энг аввало, Сурхондарё вилоятида рўй берган техноген ҳолатлар келади, десак, адашмаймиз. Янги истиқболли майдонларни излаш, қудуқларни чуқур бурғиллаш ва геологик қатламларни ўрганиш жараёнида хавфсизликни таъминлаш масаласида амалиётда қандай технология ва инновация ечимлар қўлланилмоқда?

— Хавфсизликни таъминлаш, қўнғилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида замонавий технологияларни жорий қилиш масаласида алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, бурғиллаш ва дала ишлари устидан халқаро стандартлар асосида назоратни кучайтириш мақсадида супервайзинг тизимини йўлга қўйиш, геологик-гидродинамик моделлаштириш ва қазиб чиқариш дастурларини янада пухта шакллантириш бўйича чоралар белгиланган.

Шундан келиб чиқиб, дастлаб қудуқнинг геологик қатламлари чуқур ўрганилади, хавфсизликни таъминловчи барча зарур чора-тадбирлар қўрилади. Чунки қудуқ аномал юқори босимли бўлиши эҳтимоли бор. Шу сабабли қудуқ устига ўрнатилган мукамал жиҳозлар бо-

сим остида синовдан ўтказилади. Шунингдек, ўрганилган қудуқларни бурғиллашга ҳодимлар ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш учун барча турдаги ҳимоя воситалари билан тўлиқ таъминланади.

Ушбу йўналишдаги технология ва инновация ечимлар ҳақида гап кетганда, жамият марказий аппаратида бурғиллаш ишларини бошқариш маркази ташкил этилиб, бурғиллаш жараёنларини 7/24 тартибда назорат қилиш йўлга қўйилганини айтиш жоиз. Бундан ташқари, фавқулодда ҳолатлар ва очик нефть-газ фаввораларининг олдини олиш мақсадида харбийлаштирилган қисмини янги технологик ускуна ҳамда жиҳозлар билан таъминлаш, ҳодимлар маалақасини ошириш ва кўникмаларни кучайтириш учун виртуал тренажёрлар орқали тайёрлаш, хорижда тажриба ошириш чоралари қўрилмоқда.

— Соҳада қўшимча қиймат яратиш, яъни қўшим чуқур қайта ишлаш орқали қўшилган қиймат занжирини ҳосил қилиш, импорт ўрнини босувчи экспортчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш бўйича қандай янги лойиҳалар амалга оширилди?

— Импорт ўрнини босувчи ва экспортчи қўшимча қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш “Ўзбекнефтгаз” АЖ бугунги фаолиятининг энг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. Натижада мазкур йўналишда кўплаб лойиҳалар ижросига киришилган.

Улар орасидан “Uzbekistan GTL” заводи неғизда чизикли алкилбензол (LAB) ишлаб чиқариш” лойиҳасини алоҳида келтиришни истардим. Сабаби, ҳозирги кунда Ўзбекистон LAB (Linear Alkylbenzene) маҳсулотни бўйича тўлиқ импортга боғлиқ қолган бўлиб, унга ички эҳтиёж йилгига тахминан 25 — 30 минг тоннани ташкил этади. Машиий қимё бозори ривожланиши сайин унга талаб йилга ўртача 3 — 5 фоизга ўсиб бормоқда. Натижада машиий қимё воситалари ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналар LAB маҳсулотини катта валюта эвазига Россия, Эрон, Хитой, Саудия Арабистонини каби давлатлардан сотиб олишди. Бу эса тайёр маҳсулот — кир ювиш воситалари нархининг рақобатбардошлигини пасайтиради.

Янги лойиҳа амалга оширилган, LAB маҳсулотига бўлган ички талаб тўлиқ қопланиб, импортига ҳоҳат қолмайди. Энг асосийси, лойиҳа тўлиқ рўёбга чиқарилган, Ўзбекистонда ҳар йили 40 — 50 млн. доллар микдоридagi хорижий валюта тежаб қилинади.

Айни пайтда Қозғистон Республикасининг “KMG Petrochem” компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилган

ушбу лойиҳанинг лойиҳаловди ҳужжатлари ишлаб чиқилмоқда.

— Хабарингиз бўлса керак, “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг ҳомилик тўловларини тўхтатиш ҳақидаги қарорлари ижтимоий тармоқларда кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Харажатларни мақбуллаштириш, соҳага оид бўлмаган активларни тасарруфдан чиқариш молиявий барқарорликни таъминлашда қандай роль ўйнайди?

— Бу саволга жавоб беришдан олдин, аввало, “Соҳага оид бўлмаган активлар” ҳақида тушунча бериш мақсада мувофиқ. Яъни у корхонанинг асосий фаолиятига оид бўлмаган ҳамда ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этмайдиган активларга нисбатан айтилади.

Мазкур активларни тасарруфдан чиқариш ҳамда ҳомилик тўловларини тўхтатиш орқали сарфланаётган сақлаш харажатларини иқтисод қилишга ва операция харажатларни мақбуллаштиришга эришилади. Тежаб қолинган ресурслар эса ишлаб чиқариш жараёнида зарур бўлган хомашё ва материаллар харид қилиш, табиий газ захираларини кўпайтириш ва қазиб олиш барқарорлигини таъминлаш, таъмирлаш ва буғлаш, геология ишларига йўналтирилади.

— Ижтимоий тармоқларда соҳа ҳодимлари, аниқроғи, кўйи тизим ишчиларининг ойлик маоши камлиги ва уларнинг вақтида берилмаслиги билан боғлиқ эътирозларга ҳам тез-тез дуч келамиз. Янги раҳбарият ушбу йўналишда қандай ўзгариш қилляпти?

— Қайси соҳа бўлмасин, унинг барқарор ривожланиши, истиқболли, энг аввало, инсон капиталига боғлиқ. Шунинг учун “Ўзбекнефтгаз” тизимида инсон капиталига устувор аҳамият қаратилиб, ҳодимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатлари, ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга алоҳида муҳим йўналиш сифатида белгиланди.

Юқорида қайд этган иқтисодий самаранинг маълум бир қисми ҳодимларнинг ойлик маошларини ошириш, иссиқ овқат, мавсумий ва махсус кийим-бош билан таъминлаш, талабга жавоб берадиган эски автобуслар ўрнига хавфсиз ҳамда қулай бўлган, замонавий автобуслар сотиб олиш каби муҳим ижтимоий лойиҳаларни молиялаштиришга сарфланади. Мисол учун, Устюрт кенгликларидagi ишчилар учун 200 ўринли ётоқхона, 160 ўринли ошона ва анжуманлар зали қурилмоқда. Шунингдек, кон ва объектларда мавжуд ишчилар шаҳарчаси босқичма-босқич капитал таъмирланиши, гигиенлик анжомларни янгиллаш ҳамда зарур маиший жиҳозларни харид қилиш ва кир ювиш хоналарини ташкиллаштиришга ҳам маблағлар йўналтирилади.

# Ўзбекистон — Италия: Дўстона муносабатлар янада фаоллашади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Италия Республикаси парламенти Депутатлар палатаси депутати, “Италия — Ўзбекистон” дўстлик гуруҳи раҳбари Фабрицио Бенцони бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди. Шунингдек, икки мамлакат парламентлари дўстлик гуруҳларининг ййгилиши ўтказилди.

## Ҳамкорлик

Мулоқот аввалида кейинги йилларда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ишонч ва дўстона муносабатлари туфайли Ўзбекистон ҳамда Италия ўртасидаги стратегик шериклик алоқалари янада мустаҳкамланаётгани, кўп қиррали ришталар кенгаётгани, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорлик юқори босқичга чиқаётгани алоҳида қайд этилди. Учрашувда парламентлараро мулоқотни янада фаоллаштириш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шериклик, сунъий интеллект соҳасида қўшма лойиҳалар, илм-фан ва таълим алмашуви, маданий-гуманитар йўналишлар ҳамда туризм соҳасида имкониятларни кенгайтириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Мулоқот давомида парламентлараро ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш зарурлиги таъкидланди, бу йўналиш нафақат икки томонлама алоқаларни мустаҳкамлаш, балки парламент аъзолари ўртасида тажриба алмашиш имконини яратиши қайд этилди.

Ўз навбатида, Ф. Бенцони самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган мувозанатли, очик ҳамда конструктив ташқи сиёсат, кенг кўламли ислохотлар ва уларнинг натижаларини юқори баҳолади.

Шунингдек, делегация раҳбари Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказига таъриф ўнда чуқур таассурот қолдирганини, бу иншоот ўзбек халқининг бой тарихи, жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасини ёрқин намоиш этиш баробарида, ўсиб келаётган ёш авлод учун буюк аждодлар меросини ўрганишда катта мактаб бўлишини алоҳида таъкидлади.

Конструктив руҳда ўтган учрашувда олий даражада эришилган келишувлар ижросини таъминлашда парламент аъзолари иштирокини кучайтириш, қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда тажриба алмашиш, учрашувларни жонли мулоқот шаклида ҳар йили камда бир маротаба тизимли ўтказиб бориш, парламент тадқиқотлари йўналишида ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари муҳомада этилди.

Шу билан бирга, жорий йилда Самарқанд шаҳрида ўтказилиши режалаштирилган 12-Глобал ёшлар парламенти форуми ҳамда Барқарор ривожланиш мақсадидаги Италия делегацияси тақлиф қилинди.

Учрашув дўстона ва самимий руҳда ўтди.

«Халқ сўзи».

“Ўзбекнефтгаз” АЖ ва тизимдаги ташкилотлар томонидан 2026 йилнинг 1 апрелдан бошлаб ишчи-ҳодимларнинг ойлик иш ҳақи 10 фоизга оширилгани ҳам ишчи-ҳодимларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар сирасига кирди, албатта.

— Давлатимиз раҳбари томонидан ички назорат ва комплаенс тизимини кучайтириш, коррупция ва манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш жамият фаолиятининг устувор йўналишлари сифатида белгилаб берилган. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Дарҳақиқат, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган вазифалар асосида 2026 йилда амалга ошириладиган чора-тадбирлар дастури ва Коррупцияга қарши ички назорат департаментининг ташкилий тузилмаси қайта қўриб чиқилиб, янги тахрирда имзоланди.

Коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, комплаенс назорат йўналиши бўйича амалда бўлган 20 дан зиёд ички идоравий ҳужжатлар тақомиллаштириш мақсадида қайта қўриб чиқилди. Шунингдек, 21 нафар ҳодим ротация қилинди.

Президентимизнинг 2025 йил 30 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармонининг ижросини таъминлаш, тизим ташкилотларида коррупциявий омилини аниқлаш ҳамда уларни бартараф этиш юзасидан бир нечта корхона ва ташкилотларда ўрганишлар ўтказилди. Аниқланган ҳолатларга ҳуқуқий баҳо бериш учун тўпланган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тақдим этилди.

Шу билан бирга, харидлар жараёни назоратида бир қатор ортиқча харажатларнинг олди олинди. Чет эл ва маҳаллий корхоналарнинг санкциявий руйхатларда мавжудлиги юзасидан текширувлар ўтказиб келинмоқда. Манфаатлар тўқнашуви йўналишидаги ўрганишлар натижасида бир нечта ҳолатлар (қариндошчилик) мавжудлиги аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли ишлар бажарилди.

Умуман олганда, коррупциявий хавф-хатарлар реестри шакллантирилган бўлиб, ушбу хавф-хатарларнинг юқори даражадагиларини ўрта даражага тушириш чора-тадбирлари қўрилди. Буларнинг барчаси нефть-газ соҳасини ривожлантириш, “Ўзбекнефтгаз” тизимида табиий газ қазиб чиқаришга ўсиш суръатларига эришиш орқали энергетик барқарорликни таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлид

Эртанинг умиди

БУХОРОЛИК ЎҚУВЧИ СТЭНФОРДАА ЎҚИЙДИ

Шу кунларда Бухоронинг донгдор хунармандларидан бири Бахшулла Жумаевнинг кайфияти ўзгача. Зардўзлики саныат даражасига кўтариб, дунёнинг йигирмадан зиёд давлатларидаги нуфузли халқаро кўргазмаларда қатнашган, нафақат Ўзбекистон, балки хорижда ҳам кўплаб шогирдлари бўлган юрtdошимиз бу гал шахсий муваффақияти эмас, набираси эришган ютқудан боши осмонда.

— Амирбек дунёнинг нуфузли Стэнфорд ва Браун университетлари ҳамда Калифорния технология институтига тўлиқ грант асосида ўқишга қабул қилинди, — дейди у кувончини дўст-биродарлари билан баҳам кўраркан. — Қаранг, фарзанду набираларимиз биздан ўзиб кетишяпти. Шундай кунларга етказганига шукр.



— Данаги мевасидан ширин-да, — дейди бунга жавобан хунарманд-муассавир Аслон Рамазонов. — Қолаверса, бола бошдан, дейишадди. Музеймонанд устаконангизда Амирбекнинг хорижий сайёҳлар билан инглиз тилида бийрон гаплашиб турганига, меҳмонлар унинг билими, ақлу заковатига тан беришганига кўп бор гувоҳ бўлганман.

Бухоро шаҳридаги 1-умумтаълим мактабининг юқори синф ўқувчиси Амирбек Бахшуллаев эришган натижа чиндан ҳам ҳавас қилса аргагулик. 16 ёшли йигитча яқинда муддатидан аввал чет элнинг бешта университетиди тахсил олиш имконини берадиган, умумий миқдори 2 миллион АҚШ доллари миқдориди грант қолиби бўлди. Амирбекнинг бу ютуғи мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар натижаси, албатта.

— Хунармандлар оиласида туғилиб ўсдим, — дейди Амирбек. — Эски шаҳарнинг қоқ марказида яшаймиш. Оилавий устаконамиздан сайёҳларнинг қадами узилмайдди. Шу пайтга қадар мингдан зиёд хорижий туристлар билан суҳбатлашганман. Устозларимнинг кўмаги, қолаверса, жонли мулоқот тил ўрганишга иштиёқимни кучайтирди. Стэнфорд университетининг тўлиқ грантини қўлга киритдим. Бу олий ўқув юртида шартнома тўловларидан ташқари транспорт, ётоқхона, озиқ-овқат харажатлари ҳам тўлаб берилади. Ядро синтези харақатлантурувчиси” деб номланадиган технология устида ишлаш ниятим бор. Тахсилдан сўнг Ўзбекистонга қайтиб, шу соҳа ривожига учун хизмат қилмоқчиман. Токи электр энергияси билан боғлиқ муаммо бўлмасин.

Бундан ташқари, у зардўзлик уй-музейини янада кенгайтириш, шу орқали бой миллий маданиятимиз доврўғини дунёга кенг ёйишга ҳисса қўиши ниятида.

— Билишимча, Ўзбекистон чет элда ўқишни рағбатлантирадиган кам сонли давлатлардан биридир, — дея давом этади Амирбек. — Юртимизда биз, ёшларнинг сифатли таълим олишимиз учун барча қулайликлар яратилган. Мен тенгдошларимни шу имкониятлардан оқилона фойдаланишга даъват этаман.

Этиборлиси, вилоятда А. Бахшуллаев сингари билимга, ўқиб-ўрганишга ташна ёшлар сафи тобора кенгаймоқда. Биз бу ўринда биргина мисол билан чекланмоқчимиз. Бухоро шаҳридаги 26-умумтаълим мактаби ўқувчилари Дилнур Саидова ҳамда Сабина Қойирова ҳам яқинда халқаро ва миллий сертификатлар асосида инглиз тили, она тили, математика ва тарих фанларидан 189 балдан тўплаб муддатидан олдин олий ўқув юртида тахсил олиш имконини қўлга киритди.

Истам ИБРОҲИМОВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИНГ ЯНГИ «ЎСИШ НУҚТАСИ»

Глобал рақобат мисли кўрилмаган даражада кучайган XXI асрда янги чақирилар ва иқтисодий йўналишлар пайдо бўлмоқда. Чунки бугун бозор фақат худуд ёки табиий ресурс билан эмас, балки илгор технологиялар, тезкорлик ва инновация билан ўлчанмоқда. Шу маънода, бугунги давр инсониятдан мутлақо янги ёндашуви талаб этмоқда. Сунъий интеллект, катта маълумотлар таҳлили, блокчейн тизимлари ва турли рақамли платформалар иқтисодий муносабатлардан тортиб ижтимоий ҳаётгача бўлган барча соҳаларни тубдан ўзгартиряпти.

Нуктаи назар

Ишлаб чиқариш услуги, хизмат кўрсатиш маданияти, таълим тизими — барчаси рақамлашув жараёни таъсирида қайта шаклланимоқда. Ушбу ўзгаришларда “Game Development” (Рақамли ўйинлар ишлаб чиқариш), қисқача айтганда, “gamedev” соҳаси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Илгари унга кўнгилчор йўналиш сифатида қаралган бўлса, эндиликда мазкур жабҳа иқтисодийнинг миллиардлаб доллар айланмага эга стратегик тармоқларидан бири сифатида майдонга чиқди. Зеро, видеоўйинлар индустрияси жаҳон иқтисодиётининг жадал ўсувчи сегментлари қаторидан жой олиб улғурди.

бўла олади. Айтилик, Хитойнинг “Tencent” компанияси йиллар сегментидан йилга 40 миллиард АҚШ долларидан ортиқ даромад кўради. “Sony Interactive Entertainment” компаниясининг ушбу йўналишдан йиллик тушуми 28 миллиард доллар. “Microsoft Gaming” (“Xbox” ва “Activision Blizzard” таркибиди) эса 21 миллиард доллардан зиёд молиявий натижалар қайд этган. Уларнинг асосий маҳсулоти интеллектуал контент ва рақамли хизматларга тўғри келади. Яъни асосий қиймат билим ва гоёда.



Барқарор ўсиш пойдевори

Соҳанинг келажоғи малакали кадрларга боғлиқ. Шу нуктаи назардан, Халқаро Нордик университетиди мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга лойиқ. Бу ерда дастурлаш, компьютер графикаси, “3D” моделлаштириш, ўйин дизайни ва сунъий интеллект технологиялари замонавий ўқув дастурлари асосида ўқитилмоқда.

яратилган шароитлар соҳанинг ривожига жиддий туртки бермоқда. Халқаро рақамли технология марказлари ташкил этилди. АТ инфратузилмасини кучайтириш мақсадида солиқ ва инвестиция имтиёзлари жорий қилинди.

2026 йил режасига кўра, Тошкент, Бухоро, Фарғона шаҳарларида ҳамда Тошкент вилоятида янги дата марказлари ва суперкомпьютерлар ишга туширилади. Шу билан бирга, 15 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект лабораториялари ташкил этиш кўзда тутилган. Бу инфратузилма соғлиқни сақлаш, транспорт, қишлоқ хўжалиғи, банк-молия ва жамоат хавфсизлиғи каби соҳаларга хизмат қилади. Шунингдек, “gamedev” ва креатив индустрия лойиҳалари учун ҳам мустаҳкам техник база яратади. Режаларга мувофиқ, сунъий интеллект ва рақамли технологиялар асосида 100 дан ортиқ лойиҳалар амалга оширилади.

Видеоўйинлар sanoati мамлакатимиз учун янги иқтисодий имконият эшигини очмоқда. Бу йўналиш ёшлар интеллектуал салоҳиятини кўтариб, бандлигини таъминлайди, юртимизнинг халқро майдондаги рақамли имижини мустаҳкамлайди. Давлат, таълим муассасалари ва хусусий сектор бир мақсад сари йўн кўриш қарар қилса, Ўзбекистон Марказий Осиеда “gamedev” ва креатив рақамли sanoat марказларидан бирига айланиши мўқаррар. Бинобарин, рақамли иқтисодиёт шароитида қиймат ер ости бойликлари билан эмас, инсон ақли ва гоёси билан яратилади. “GameDev” эса айнан ушбу интеллектуал кучга таянадиган соҳадир. Шу жиҳатдан унинг келажак драйверига айланиши тобора равшанлашиб бораётир.

Ақмал ҒАНИЕВ, Халқаро Нордик университетининг Саноати бошқаруш ва рақамли технологиялар кафедраси катта ўқитувчиси.

Улкан салоҳият

Халқаро таҳлил марказлари маълумотларига кўра, 2025 йилга келиб глобал видеоўйинлар бозори ҳажми қарийб 190 миллиард АҚШ долларига етган. Бу рақам кино ва музика sanoatининг умумий даромадидан ҳам ошиб кетди. Чунки ҳозирги пайтда Ер юзиди 3,6 миллиарддан ортиқ инсонлар видеоўйинлардан фойдаланади.

Бошқача айтганда, ҳар икки интернет фойдаланувчисидан бири ушбу бозор иштирокчисига айланган. Ушбу аудитория улкан бозор, катта истеъмолчи қатлами ва доимий ўсиб бораётган талаб, демакдир.

Бозор тузилмасига назар ташланса, мобиль ўйинлар етакчилик қилаётгани ойдинлашади. Улар умумий даромаднинг қарийб 57 фоизини ташкил этади. Консол платформалари улуши 23 фоиз атрофида, шахсий компьютерлар учун яратилган маҳсулотлар эса 20 фоизни эгаллайди.

Рақамлардан аёнки, ушбу индустрия бир томонлама эмас, барча платформалар кесимида барқарор ривожланаётир. Бунга йирик компаниялар фаолияти яққол мисол

Миллий тажрибада янги имкониятлар

Юртимизда ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш изчил давом этмоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ахборот технологиялари ва рақамли хизматларни ривожлантириш устувор вазифа сифатида белгиланган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ўтган йили АТ хизматлари экспорти илк бор 1 миллиард АҚШ долларига етган бўлса, 2030 йилга бориб бу кўрсаткичи 5 миллиард долларга олиб чиқиш режалаштирилган. Шубҳасиз, бу жараёнда “gamedev” муҳим ўринга эга.

Бугун мамлакатимизда ўйин ишлаб чиқарувчи 50 дан ортиқ студиялар фаолият юритмоқда. Йиллик даромад ҳажми 60 миллион АҚШ долларига экин. Эътиборли жиҳати, тушумнинг 90 фоиздан ортиғи экспорт хиссасига тўғри келади. Бу эса соҳанинг ташқи бозорда рақобатбардош эканини кўрсатади.

Ҳозирги кунда “gamedev” ва унга яқин йўналишларда 15 мингдан зиёд ёш мутахассис ҳамда ҳаваскорлар меҳнат қилмоқ-

“2026 йил режасига кўра, Тошкент, Бухоро, Фарғона шаҳарларида ҳамда Тошкент вилоятида янги дата марказлари ва суперкомпьютерлар ишга туширилади. Шу билан бирга, 15 та олий таълим муассасасида сунъий интеллект лабораториялари ташкил этиш кўзда тутилган. Бу инфратузилма соғлиқни сақлаш, транспорт, қишлоқ хўжалиғи, банк-молия ва жамоат хавфсизлиғи каби соҳаларга хизмат қилади. Шунингдек, “gamedev” ва креатив индустрия лойиҳалари учун ҳам мустаҳкам техник база яратади.”

Талабалар стартап ташаббусларига жалб этилиб, халқаро АТ бозорига йўналтирилмоқда, реал буюртмалар асосида ишлаш амалиёти жорий қилинган. Бундай ёндашув ёш мутахассиснинг портфолиосини шакллантиради, бозор талабини ҳис қилишга ўргатади. Мутахассисларнинг кузатувига кўра, амалиётга яқин таълим модели энг самарали йўл ҳисобланади.

Сўнги йилларда давлат томонидан

Боғдорчилик sanoatлашади

Сирдарё вилоятида бу йил боғдорчиликда катта бурилиш бўлиши кутилаётир. Гап шундаки, ушбу соҳа sanoatлашган тизимга ўтказилмоқда. Айни мақсад йўлида жорий йилда 2 минг гектар янги интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этилади.

Интилиш

— Таҳлиллар шуни кўрсатдики, вилоятдаги мавжуд боғларнинг аксарияти маънавий эскирган ва қутилган ҳосилни бермаётти, — дейди Агросаноатни ривожлантириш агентлиғи Сирдарё вилояти бўлими бошлиғи Ақмал Қўлтоев. — Шу боис айни пайтда асосий урғу сифат ва юқори ҳосилдорликка қаратилаётир. Ил-

гари кўчат экиш фақат эрта баҳор ёки кеч куз билан чекланган бўлса, бугун вилоятимизда бу борадаги агротехнологиялар ўзгарди. Эндиликда йил давомида боғ яратиш имконияти мавжуд. Хусусан, апрель ойида ҳам кўчат экиш тўхтагани йўқ. Ёпиқ илдизли кўчат тайёрлаш технологияси туфайли иссиқ ойларда ҳам ниҳол экиби, уни ўстириш

мумкин бўлаётир. Шунингдек, йил давомида боғ барпо этиш имкониятини томчилатиб сугориш тизими янада кенгайтиради.

Айтиш лозимки, яқинда Сирдарё вилоятида айни масалага бағишланган йиғилишда боғдорчилик фақат кўчат экишдан иборат эмаслиғи таъкидланиб, эндиликда ҳар бир туманда “Ишлаб чиқариш — сақлаш — қайта ишлаш — экспорт” тамойили асосида яхлит занжир яратилиши бўйича аниқ вазифарлар белгилаб олинди.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ («Халқ сўзи»).

МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАРИМИЗ УНУТ БЎЛМАСИН

Миллий ўйинлар азалдан халқимиз ҳаётининг муҳим қисми бўлиб келган. Давлатимиз раҳбарининг 2022 йил 11 апрелдаги “Маҳалларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги бошқича олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори доирасида “Беш ташаббус олимпиадаси” спорт мусобақаларидан ташқари, 2023 йил 1 мартдан бошлаб миллий спорт турлари бўйича ҳам уч бошқичли умумреспублика спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда.

Мулоҳаза

Асрлар давомида ҳаётимизнинг ажралмас қисми бўлиб келган “чиллак”, “ланка”, “белбоғ”, “чағалай”, “чуррак”, “ўйлаб топ”, “тўрт тош”, “тошотар”, “қулқоқ чўзма”, “гулдир-гуп”, “тавқлар жанги”, “кўпқари”, “елкада кураш” каби юзлаб жуда бой ва ранг-баранг ўзбек халқ ўйинлари бор. Улар ёшларга орият, матонат, садоқат, маънавий ва жисмоний комилликдан сабоқ беради.

— Бўш вақт топдик дегунча, “оқ суяк”, “зар қалпоқ”, “чўчўйма”, “зувўллатар”ни жон деб ўйнардик, — дейди бойсулик 78 ёшли Холмиёр ота. — Тўрт-бешта катталар бирлаша, бизни кураштириб ҳам кўярди. Ким ўйинларда зўр бўлса, курашда ҳам қўли балан келарди. Халқ ўйинлари чаққонлик, чидамлик, эгичлик, топқирлик ва меҳнатсеварлик тўғрисида тарбиялайди. Шунингдек, болалар ўйинларида энгил

мутойиба, мусобақа руҳи ва жамоавий бирликка интилиш каби жиҳатлар ҳам кўзга ташланади.

— Ўзбек халқ ўйинларининг ҳар бир худудга хос турлари мавжуд, — дейди нафақадаги муаллим, филолог Ашуралӣ Омонов. — Уғил болалар ёки қизлар, эркаклар ва аёллар ўйинлари бир-биридан фарқланади. Баҳорги, ёзги, кузги ва қишки ўйинлар мавжуд. Айрим ўйинлар деҳқончилик, чорвачилик ёки хунармандчилик каби касблар билан боғлиқ.

Аслида, авлодлар алмашган сайин миллий қадриятлар ҳам мазмунон бойиб беравериши керак. Бироқ бугун бунинг аксини кўряпмиз. “Хунарманд” уюмаси вилоят бошқармаси бошлиғи Муҳаммад Жўраева бу ҳақда шундай дейди:

— Назаримда, бунинг бош сабаби замонавий технологияларнинг ҳаётимизга шиддат билан кириб келиши. Бугун бо-

ларнинг бўш вақти кўпроқ телефон, компьютер ёки интернет ўйинлари билан ўтмоқда. Илгари маҳалла майдонлари болаларнинг қулқисига тўлар, ҳар бир кўча бир турдаги ўйин билан машхур ва машғул бўларди. Ҳозир эса кўп жойларда ана шундай майдонлар бўш. Болаларнинг жамоа бўлиб ўйнаш маданияти аста-секин камайиб бормоқда.

Яна бир сабаб — миллий ўйинларнинг табиий муҳити секин-аста йўқолиб бораётганида. Илгари болалар учун энг катта майдон қишлоқ ҳовлиси, маҳалла кўчаси ёки кенг дала бўлган. Ҳозир транспорт ҳаракатининг кўпайиши ва турмуш тарзининг ўзгариши бу каби ўйинлар учун қулай шароитни камайитириб қўйгандай. Натижада кўплаб ўйинлар фақат катталар хотирасида сақланиб қолган. Айрим ҳолларда эса миллий ўйинларнинг мазмуни ёшларга етарлича тушунтирилмаётгани ҳам сезилади. Масалан, мактабларда жисмоний тарбия дарсларида, асосан, замонавий спорт турларига эътибор қаратилади, халқ ўйинлари эса баъзан эпизодик тарзда эсланади, холос.

— Миллий қадриятларни сақлаб қолишда тарғибот масаласи жуда муҳим, — дейди Термиз шаҳридаги 3-умумтаълим мак-

таби директори Гулнора Холмаматова. — Бугунги ахборот маконида болалар ва ёшларнинг эътиборини жалб этадиган турли ўйинлар, мусобақалар, виртуал мушғулотлар кўп. Миллий ўйинлар эса аскар ҳолларда фақат байрамлар, сайиллар ёки айрим тадбирлар доирасидагина намойиш этилади. Агар уларни тизимли равишда тарғиб этиш, мактаб, маҳалла ва оммавий тадбирлар орқали ёшлар ҳаётига янада яқинлаштиришга эътибор қаратилса, ишонимизки, бу аъналар яна жонланади.

Эҳтимол, бугун миллий ўйинларимизга ошно тутинаётган барча ўғил-қизлар ҳам машхур спортчи бўлиб ном қозонмас. Бироқ улар умрини соғлом турмуш тарзи тамойиллари асосида шакллантиради, маънан ва жисмонан етуқ, энг муҳими, ўз фикрига эга иродали инсон бўлиб қамол топади.

Шундай экан, ёшларимиз онги ва қалбида тарих ҳамда қадриятларга ҳурмат, элу юртга муҳаббат ва садоқат туйғуларини шакллантиришда мана шу оддий ўйинларнинг ҳам ўрни катта эканини унутмаслигимиз даркор.

Фарҳод ЭСОНОВ («Халқ сўзи»).

РЕКЛАМА

«Elektron Realtor» МЧЖ

Тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштириладиган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдога таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 15 апрелдаги ПҚ-142-сонли қарорига асосан “O‘z sanoat qurilish bank” АТБ балансида бўлган:

Жиззах вилояти, Зомин тумани, “Халқобод” МФЙ, Мустақиллик кўчаси, 16/1-уйда жойлашган савдо комплекси сотилади. Сотил шарти ва нархи билан “www.e-rieltor.uz” сайти орқали танишишингиз мумкин. Савдога қўйилган мулкларни бевосита жойига чиқиб кўриш имконияти бор.

Савдога иштирок этиш учун талабгорлар “e-rieltor.uz” платформаси орқали ариза бериши керак.

Call-марказ: +99855-517-22-20. Расмий сайтимиз: www.e-rieltor.uz

Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида академик Убайдулла Каримов номидаги XXI халқаро илмий конференция ўтказилди.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиғида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 442. 23 403 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Телефонлар: Девонхона 71-259-74-51; котибият 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Таҳририятга келган кўлемлар тақриб қилинмайди ва мазлифга қайтарилмайди. Газетанинг мазлиф берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар. Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан сақланади. Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси масул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров. Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” наприёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 03.15 Топширилди — 03.20 1 2 3 4 5 6

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСАЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

